



ЖАХОН ТАРИХШУНОСЛИГИДА ХАЛҚНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИГА ОИД НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ ҚАРАШЛАР

A.X. Doniёров

Тарих фанлари доктори, профессор
Тошкент давлат шарқшунослик университети

V.E. Abirov

йўқитувчи,
Тошкент давлат шарқшунослик университети,
E-маил манзили: abirovvalisher@gmail.com

Калит	сўзлар:	Аннотация:
Примордиализм, конструктивизм, инструментализм, этнос назарияси, этниклик, илмий қараш, концепция, методология, тарихшунослик, этнология.	этнос	Мақолада жаҳондаги халқнинг пайдо бўлишига доир назарий ёндашувлар ўрганилиб, таҳлил қилинади. Этнос ва этниклик, этногенез ва этник тарих муаммосига доир назарий-методологик қараашлар примордиализм, конструктивизм ва инструментализм ёндашувлари асосида кўриб чиқилди. Бу ёндашувларни таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсад ўзбек халқи ва унинг шаклланиши билан боғлик қараашларнинг бугунги тақдиди, келажақдаги ривожи қайси йўл орқали ривожланиши мақбул эканлигини очиб беришдан иборат. “Этнос” назариясининг мазмун-моҳияти тафсифланиб, унинг оқибатлари кўриб чиқилади. Ўзбекистон этнологияси тадқиқотларда советча протекционизм (ўз қараашларини ҳимоя қилиш ҳолати) етакчи ўринга эгалиги масаласи ҳақида танқидий фикр юритилади.

THEORETICAL CONCEPTUAL VIEWS ON THE EMERGENCE OF THE NATION IN WORLD HISTORY

A.Kh. Doniyorov

DSc, Professor,
Tashkent State University of Oriental Studies,

V.E. Abirov

teacher, Tashkent State University of Oriental Studies,
Uzbekistan
E-mail address: abirovvalisher@gmail.com

Key words: Primordialism, constructivism, instrumentalism, theory of ethnos, ethnicity, scientific view, concept, methodology, historiography, ethnology.

Abstract: The article discusses and analyzes theoretical approaches to the emergence of people in the world. Theoretical and methodological approaches to the problem of ethnos and ethnicity, ethnogenesis and ethnic history based on the approaches of primordialism, constructivism and instrumentalism are considered. The main purpose of the analysis of these approaches is to identify the current fate of the Uzbek people and the views associated with its formation, and which path is optimal for its further development. The essence of the theory of "ethnos" is explained and its consequences are considered. A critical opinion is given about the leading position of Soviet protectionism (the state of protecting one's views) in ethnological studies of Uzbekistan.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ВЗГЛЯДЫ НА ВОЗНИКНОВЕНИЕ НАЦИИ В ВСЕМИРНОЙ ИСТОРИИ

А.Х. Дониёров

доктор исторических наук, профессор

Ташкентский государственный университет востоковедения

В.Э. Абиров

преподаватель,

Ташкентский государственный университет востоковедения,

Адрес электронной почты: abirovvalisher@gmail.com

Ключевые	слова:	Аннотация:
Примордиализм, конструктивизм, инструментализм, теория этноса, этничность, научный взгляд, концепция, методология, историография, этнология		<p>В статье рассматриваются и анализируются теоретические подходы к возникновению людей в мире. Рассмотрены теоретико-методологические подходы к проблеме этноса и этничности, этногенеза и этнической истории, основанные на подходах примордиализма, конструктивизма и инструментализма. Основная цель анализа этих подходов - выявить нынешнюю судьбу узбекского народа и взгляды, связанные с его формированием, и какой путь является оптимальным для его дальнейшего развития. Объясняется сущность теории «этноса» и рассматриваются ее следствия. Даётся критическое мнение о лидирующем положении советского протекционизма (государства защиты своих взглядов) в этнологических исследованиях Узбекистана.</p>

Жаҳонда илм-фан ривожи билан бир қаторда инсониятнинг келиб чиқиши, унинг қонуниятлари, сабаб ва оқибатларини ўрганишга бўлган қизиқиш ҳам ортиб борган. Бу қизиқишнинг ортиши баробарида инсониятнинг шаклланишига доир қараашларнинг, ёндашув ва назарияларнинг, турли илмий тадқиқот марказларининг шаклланиши жараёни юз берди. Дунёнинг турли давлатларида хукм суроётган ўзаро фарқли бошқарув тизимлари ва улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар инсониятнинг шаклланишига бўлган ёндашувнинг ҳам турлича бўлишига ўз таъсирини ўтказди.

Хозирги вақтда халқларнинг шаклланишига доир қуйидаги асосий назарий-методологик ёндашувлар мавжуд:

1. Примордиализм (лотинча “primordial” – “ибтидоий”, “дастлабки”, “бошланғич”) ёки **эссенциализм** йўналиши. Мазкур йўналиш этнологияда кенг тарқалган назариялардан бўлиб, унинг тарафдорлари таъкидлашича, этнос ёки этниклик табиатда ёки жамиятда объектив асосга эга бўлган аниқ феноменdir[1:134]. Яъни, примодиалистларнинг деярли барча ғоялари халқнинг ўз-ўзидан, ташқи таъсири ва конструкцияларсиз ривожланганига ишора қиласди.

“Примордиализм” атамаси 1957 йилда америкалик социолог Э. Шилс томонидан киритилган. Примордиализм доирасида этник масала инсоният жамияти ва маданиятининг асл мулки сифатида белгиланади[2]. Примордиализмда иккита асосий ёндашув мавжуд. Пьер Ван ден Бергенинг социобиологик ёндашувига кўра этник гуруҳ кенгайган қариндошлиқ шакли сифатида тан олинса, Клиффорд Гирцнинг эволюцион-тарихий ёндашуви маданий хусусиятларга қўпроқ аҳамият қаратади. Бу йўналишга оид назарий ва услубий қарашлар Европа ва АҚШда у қадар катта машхурликка эришмаган, фақатгина совет даврида унга бўлган эътибор ҳамда марксистик ёндашувга мослаштириш қуладиги туфайли этнология фанининг асосий методологик қуоролига айланган.

Ушбу йўналишнинг йирик намоёндаларига ғарб олимларидан: К. Гирц (C. Geertz), Э. Вулф (E. Wolf), Р. Гамбино (R. Gambino), У. Коннор (W. Connor), А. Грили (A. Greely), Т. Парсонс (T. Parsons), П. ван ден Берг (Pierre L. van den Berghe), А. Уоллес (A. Wallace), палеонтолог Дж. Симпсон (G. Simpson), социолог Дж. Йингер (J. Yinger); рус этнограф ва тарихчи олимларидан: С. Широкогоров, Л. Гумилёв, Ю. Бромлей; маҳаллий олимлардан: К. Шониёзов, А. Асқаров, У. Абдуллаев, И. Жабборов кабиларни киритиш мумкин.

2. Конструктивизм (лотинча “constructo” – “қурилиш”, “тузилиш”) назарияси тарафдорлари умуман “этнос” тушунчasi, унинг тарихий тамойиллари, ўз-ўзидан эволюцион равища шаклланиши, бу жараённинг табиий равища кечишига оид фикрларни буткул рад этади. Бу ёндашув тарафдорларининг асосий ғоялари ҳар бир халқнинг ёки миллатнинг шаклланишида албатта ташқи таъсири, маълум белги, қонун-қоидалар, урф-одат нормаларининг таъсирини бирламчи аҳамиятга эга бўлганини очиб бериш атрофида қурилган.

Дунёда бу йўналиш тарафдорлари етарлича бўлиб, улар қаторида ғарблик олимлар: Б. Андерсон (Benedict Anderson), Э. Геллнер (Ernest Gellner), Ф. Барт (Fredrik Barth), Э. Хобсбаум (Eric John Ernest Hobsbaum); совет ва рус олимларидан: В. Тишков, В. Воронков, В. Малахов, С. Кардинская, Е. Белкова, Ю. Олейникова, С. Мадюкова, К. Резникова; маҳаллий тадқиқотчилардан А. Илҳамов, В. Хан, И. Хўжахонов, М. Асқаров, Ё. Ортиқов ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Конструктивизм ёндашув вакиллари Ф. Барт, Э. Геллнер, Э. Хобсбаум, В. Тишков ва бошқалар этникликни ижтимоий ўзига хосликнинг энг кенг категорияси сифатида белгилайдилар. Улар этник туйғу ва унинг мазмунида шаклланган тушунча ва таълимотларни ёзувчилар, олимлар, сиёсатчилар ёки ижтимоий институтлар томонидан атайлаб яратилган “ақлий қурилиш” эканлигидан келиб чиқади. Ўзбекистон этнологиясида конструктивизм ёндашуви асосида масалани бевосита тадқиқ этган тадқиқотчилар саноқли бўлсада, ўз илмий ишларида ушбу назарий қарашлардан фойдаланиб келаётган илмий изланувчилар ортиб бораётганини кўриш мумкин. Бу эса маҳаллий тадқиқотчиларнинг Европа ва АҚШда ривож топган илмий назарияларни тобора чуқурроқ ўргана бошлагани, масаланинг моҳиятини тушунган ҳолда “этнос назарияси” ҳам маънан, ҳам методологик жиҳатдан эскиргани, замонавий ҳодисаларни тушуниб етишда қўпроқ конструктивизмга асосланган қарашлар мос тушишини англай бошлаганидан далолат беради.

3. Инструментализм (лотинча “instrumentum” – “восита”, “қурол”) америкалик файласуф Жон Дьюи (John Dewey) (1859-1952) ёндашуви бўлиб, унга кўра тасвиirlар,

тушунчалар ва назариялар амалий натижага эришиш, атроф-муҳитга мослашиш учун восита, қурол сифатида талқин этилади. Бу ёндашув тарафдорлари турли халқ ёки миллатнинг шаклланишида хукумат, давлат бошқарув органлари ёки етакчи шахслар томонидан олиб борилган сиёsat асосий восита бўлиб хизмат қилган, деган қарашлар атрофида бирлашган.

Инструментализм йўналиши вакиллари А. Коен (Abner Cohen), Н. Глейзер (Nathan Glazer), А. Петерсон-Ройс (Anya Peterson Royce), Д. Мойнихэн (Daniel Patrick Moynihan), Дж. Нейджел (Joane Nagel), Д. Горовиц (Donald L. Horowitz), С. Олзак (Susan Olzak), Дж. Де Вос (George De Vos) каби хорижлиқ, М. Губогло, Л. Дробижева, З. Сикевич, В. Ядов ва бошқа рус тадқиқотчиларини киритиш мумкин.

Инструменталистик ёндашув тарафдорлари жамиятдаги инсонлар гурухлари ўртасидаги тафовутлар ҳар бир гурухнинг этник ўзига хослигини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлигидан келиб чиқди, бу эса, ўз навбатида, гурухлараро муносабатларнинг моҳиятини белгилаб, этник гурухларни ҳаракатга келтиради. Шунинг учун, инструменталистик тушунчалар кўпинча этникликни бегоналашувни енгиш ва этник тенгликни тиклашнинг самарали воситаси, ижтимоий вазиятни барқарорлаштириш қуроли сифатида талқин қилувчи ижтимоий-психологик қарашларга асосланади.

Юқорида келтирилган уч асосий илмий назария бугунги кунда ҳам этнология ва антропология соҳасида ўз ўрнини сақлаб қолмоқда. Фақатгина замонавий ғарб тадқиқотларининг ривожи билан боғлиқ равища “неоконсерватизм”, “постмодернизм”, “этносимволизм” каби янги йўналишлар шаклланиб, аввалги илмий назарий қарашларни яшовчанлик ва даврга мослашувчанлик қобилиятини текширган ҳолда уларнинг маълум камчиликларини бартараф этишга ҳаракат қилган.

Этнология ва антропология фанида кўп йиллардан бери муҳокамалари тўхтамаётган масалалардан бири бу – “этнос” атамаси ва унинг ўзида мужассам этган маъноси хисобланади. “Этнос” атамаси ва унинг моҳияти, чегаралари, ўзгармас ва ўзгарувчан қисмлари яқдил таърифга, ўлчамга эга эмас. “Этник” сифатлари таърифи инглиз тилида XV асрда қўлланилиб, асосан насроний ёки яхудий бўлмаган гурухларнинг хусусиятларини билдирган. Ўша пайтда этник атама “мажусий” ёки “бутпараст” каби сўзларга teng бўлган.

XIX асрда этник сифатлари ўзининг замонавий маъносида “умумий ирқий, маданий, диний ёки лингвистик хусусиятларга тегишли ёки эга бўлган, хусусан, каттароқ тизимдаги ирқий ёки бошқа гурухни билдирувчи” тушунча сифатида тобора кўпроқ қўлланила бошланди[3]. Фанда энг кўп қўлланиладиган таърифлар қуйидагилардан иборат:

1. Бу сўз юононча “ethnos” ва унга мос келадиган “ethnikos” сифатдошидан олинган[4];

2. Энциклопедия ва мутахассис олимлар тадқиқотларида “этнос” – умумий тил, умумий иқтисодий ва маданий амалиётга эга бўлган, келиб чиқиши яхлит бўлган одамлар йиғиндиси сифатида таърифланади.

3. Дастреб жисмоний антрополог ва француз палеоэтнологияси анъаналарининг издошчиси Луи Лоран Габриель де Мортилье (Louis Laurent Gabriel de Mortillet) (1821-1898) биринчилардан бўлиб, ландшафтнинг этник муносабатлар табиатига таъсирини кўрсатиб ўтади. Унинг мулоҳазаларида “этнос” атамасига ўхшаш “etnie” сўзини учратиш мумкин.

4. Этнограф Д. Арзютов ёзишича, “этнос” коцепциясининг французча келиб чиқиши ва унинг рус заминига кўчирилиши мамлакатлардаги антропология соҳасининг ягона кўприги эмас.

Шундай қилиб, этнос ва унинг таърифлари, зарурати юзасидан муҳокамалар ҳанузгача якунига етгани йўқ. Олимларнинг бу масалага бўлган ёндашувлари давр ўтгани сари ўзгариб бормоқда. Кимdir этнос ва этниклик жихатлари ўзликни англашдаги мухим

восита деб ҳисобласа, бошқалар уни “этноцентризм”, кейинчалик “национализмга”, яъни миллатчиликка олиб келиши мумкин бўлган хавфли восита деб ҳисоблайди.

XX аср бошларида Рус антропологлар жамияти атрофида “этнос назарияси”нинг бир қанча вакиллари тўпланган бўлиб, уларни бир нечта умумий жиҳатлар бирлаштириб турарди:

- аввало, этнос назариясини олиб чиқкан олимларнинг аксарияти табиий фанларга юқори ўрин ажратиб, биосоциал табиат қонунларига позитивистик нуқтаи-назардан баҳо берган;
- этноснинг илк тадқиқотчилари жисмоний антропологияни яхши билган;
- маълум маънода география ва географик детерминизм назариясига асосланган;
- немис ва француз антропологиясидан ўрнак олган ҳолда уларнинг баъзи қарашларини рус илм-фанига олиб кирган;
- айниқса жамиятни табиий-тариҳий ривожланиш концепцияси ва унинг таркибидағи этнография кўринишида талқин қиласидан француз антропологиясидан таъсиrlаниш ҳолати мавжудлиги ва б.

Яъни, юқоридаги маълумотлардан кўринадики, “этнос назариясининг” Россия, сўнг бутун Совет иттифоқида тарқалишига француз антропология мактаби ва унинг ёндашувлари катта таъсиrlаниш ҳолати мавжудлиги ва б.

Россияда “этнос”ларга оид қарашларнинг илк муаллифлари ҳисобланган Н. Могилянский (1871-1933) ва С. Широкогоров (1887-1939) ўз вақтида Ф. Волковнинг тадқиқотларидан илҳомланган. С. Широкогоров ўз вақтида у ҳам Парижда таълим олган ва француз антропология мактаби таъсирида бўлган. Бир қанча вақт Россияда фаолият олиб бориб, сўнг Хитойга кўчиб, ўша ерда умрини охиригача турли таълим муассасаларида ишлаган. Аммо ўз қарашларida С. Широкогоров Ф. Волков ва Н. Могилянскыйдан фарқ қиласидан. Яъни у этнографияни этносларнинг моддий, ижтимоий ва маънавий маданиятини тадқиқ этувчи гуманитар фан деб ҳисоблаган. Аммо этнос назариясининг кўплаб бошқа вакилларига ўхшаб у ҳам этноснинг биологик жиҳатларини инкор қиласидан. С. Широкогоров концепцияси тил ва жисмоний антропология маълумотларига асосланиб, халқнинг маълум бир психологик хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қиласидан ажралиб туради. Унинг аксарият китобларida, хусусан, “Психоментальный комплекс тунгусов”, “Социальная организация северных тунгусов”, “Социальная организация маньчжур” каби тадқиқотларининг асосий йўналиши у назарда тутганидек, ё уруғ, гуруҳ ёки умуман этнос эди. С. Широкогоров этносни алоҳида гуруҳ сифатида тавсифлашга қаратилган “психо-ақлий комплекси” ишлаб чиқди. Фанга киритган “шахсдан ижтимоий гурухга ўтиш” қарашлари унинг концепциясининг энг муҳим томони ҳисобланади. Рус этнограф ва антропологлари С. Широкогоров қарашларининг француз этнографи Марсель Мосс (Marcel Mauss) (1872-1950) фикрлари билан ўхшашлигини, унинг француз таълимини олганлиги билан баҳолайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда йиллар давомида ўзгармасдан қолаётган, аслида археолог ва жисмоний антропологларнинг биологик қарашлари асосида шакллантирилган “этнос назарияси” аслида Совет иттифоқининг ўзида ҳам бир вақтлар (XX асрнинг 20-30 йиллари) қаттиқ танқидга учраб, илм-фан доирасидан чиқариб юборилган. Унинг намоёндалари эса биологизм ва расизмда айбланган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг этнос назарияси мавзуси яна қайта кўтарилиди, аммо бу сафар И.В. Сталиннинг миллат ҳақидаги қарашлари доирасида. Шу сабабли, бу назария этнография фанида ўзининг мавқейини тиклаб, илмий қарашларнинг марказий ўрнига кўтарилиди. Хусусан, П.Кушнер ўзининг қарашларida Сталиннинг миллат ва миллий маданият ҳақидаги фикрлари нақадар тўғрилиги, миллат эса инсоният жамиятининг сўнгги турларидан бири, этник жамоанинг энг ривожланган кўринишларидан бири эканлиги тўғрисида маълумот келтиради. Пропаганда ва мафқуранинг кучи билан Сталиннинг миллат ва тил ҳақидаги қарашларини

методологик жиҳатдан қайтадан янгича рухда кўриб чиқиш ва этногенез муаммоларига эътиборни кучайтириш мақсадида СССР Фанлар Академияси Этнография институтида турли мажлислар, муҳокамалар ўтказилиб, этнография соҳасининг аниқ мафкуравий мақсади белгилаб берилди. Натижада “этнос назарияси” фаннинг етук олимлари ёрдамида Сталиннинг миллат ва унинг тили тўғрисидаги қарашлари билан чамбарчас боғланди ва бу боғлиқлик бугунги кунгача сақланиб қолмоқда. Тил эса этноснинг бошқа белгилари сингари аввал уруг, сўнг қабила, элат ва якунда миллатни тилига айланиш босқичларини босиб ўтиб, марксистик социологиянинг конун-қоидаларига асосан, этник жамоаларни жамиятнинг ривожланиш босқичларига боғлаб берган занжирга айланди. Бу жиҳатни ўз ишларида С. Токарева ва Н. Чебоксаровлар ҳам очиб беришга интилган. Шундай ҳолатда идеологиянинг кучи билан Сталиннинг миллат тўғрисидаги қарашлари этнологиянинг узоқ йиллик назарий асосига айланиб, “совет этнос назарияси” деган ном билан тарихга кирди.

XX асрнинг 50-60 йилларида этнографлар томонидан этник жамоаларнинг турлари бўйича тадқиқотлар бошланиши натижасида жамиятни тирик организмга қиёслаш ҳолатлари пайдо бўлди. Бу ҳолат этнос назариясини яна табиий фанларга яқинлашувига олиб келди. 1966 йилда Ю. Бромлейнинг Этнография институтининг раҳбари бўлиши натижасида этноснинг биологик жиҳатларига урғу янада ортди. Ю. Бромлей ўз қарашларини янада ривожлантириб, этноснинг “дуалистик назарияси”ни таклиф этди[5]. Унинг фикрига кўра, этнос бир томондан, ўзига хос этник хусусиятлардан иборат этник тил, маданият, маросим, этномим ва этник ўзига хосликни мужассам этади. Бошқа томондан эса, этник элементларнинг шаклланиши ва мавжудлиги табиий-географик, худудий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа хусусиятлар билан боғлиқ деб қаралади. Ушбу бўлинишга мувофиқ ҳар қандай этнос “дуал” (дуалистик) хусусиятга эга бўлиб, икки маънода – тор ва кенг маънода намоён бўлади. Тор маънода этноснни назария муаллифи “этникос” деб, кенг маънода “этносоциал организм” деб атаган. “Этнос” тушунчасининг тор ва кенг маъноларига ўзбек халқи мисолида оладиган бўлсан, ушбу назарияга кўра, бутун ер шарида яшовчи ўзбеклар этникос бўлса, Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклар этноижтимоий организмидир[6:25].

Совет этнография фанида етакчиликни қўлга киритган ва олимларнинг ҳаракати билан бутун иттифоқ давлатларида сингдирилган “этнос назарияси” фақатгина XX асрнинг 80 йиллари охирида қайта кўриб чиқилиб, ҳам методологик жиҳатдан, ҳам сиёсий жиҳатдан танқидга учрай бошлади. “Этнос назарияси”нинг салбий оқибати сифатида қайта қуриш йилларида бўлиб ўтган турли этник можаролар асос қилиб олинди. Чунки иттифоқ давлатларида истиқомат қилувчи халқларни бирламчи (титульный) ва бирламчи бўлмаган (нетитульный) қисмларга ажратиш, бирламчи (титульный) халқлар учун алоҳида миллий давлатни шакллантирилиши, бунинг оқибатида йиллар давомида биргаликда яшаб келган халқлар ўртасида этник ва чегаравий муаммоларнинг ортиши, миллий давлатларда эса миллатчиликка қаратилган кайфиятларнинг ривожланишига сабаб бўлди. Ҳатто “этнос назария”си шакллантирилиб, давлатнинг халкни ўрганишга оид қарашларида асосий ёндашувига айлантирилган бу назария рус олимларининг янги авлоди томонидан “хавфли” деб аталиб, оммавий ва академик доирадан чиқариб ташлаш таклиф қилинди[7].

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда “этнос назарияси” ва унинг тарафдорлари Россия федерацияси ва унинг ташқарисида ҳам ҳамон мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон этнологиясида ҳам бу назариянинг изларини учратиш мумкин. Чунки, айнан шу этнологик назария асосида тарбияланган ва тадқиқотлар олиб борган археолог ҳамда этнolog олимлар ўз фаолиятини давом эттирунча. Уларнинг масалага бўлган қарашларида мустақилликнинг 30 йиллигидан сўнг ҳам деярли ўзгаришлар кузатилмади. Этнологик тадқиқотларда эса советча протекционизм, яъни ўз қарашларини ҳимоя қилиш ҳолати ҳамон етакчи бўлиб, имкон қадар ғарбда ривожланган ва дунёнинг катта қисм олимлари томонидан қўллаб-

кувватланган янги илмий назариялар инкор қилинмоқда. Ижтимоий ва маданий антропологиянинг янги назарияларини этнология соҳасига олиб кирмоқчи бўлган саноқли тадқиқотчилар эса ўзбек халқининг қадимиј тарихини инкор этишда, ғарбчиликда, ноилмий қараашларни қўллаб-кувватлашда айбланмоқда.

Шундай бўлса-да, мавжуд назария асосида “ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” тематик мажмуаси бўйича муаммонинг долзарб, кам ўрганилган ёки мунозарали жиҳатлари этник тарихни даврлаштириш, халқ шаклланишининг тугалланиш вақти, ўзбек халқининг шаклланишининг ўзига хослиги, ўзбек тили, шунингдек, “ўзбек” халқининг этник шаклланиш жараёни, масалалари ҳанузгача ечимини топмаган[10].

Замонавий Ўзбекистон шароитида Европа ва АҚШда яхши ривож топган, назарий-методологик жиҳатдан анча кенг тадқиқ қилинган ёндашувларни маҳаллий илм-фангга олиб кирилиши жуда муҳим. Чунки фақатгина рақобат, қарама-қарши фикрлар ва илмий мунозара бўлган шароитда миллий менталитет, ўзбекона рух ва қадимиј маданий меросни ўзида мужассам эта оладиган, шу билан бирга, халқнинг бугунги кундаги юзага келган замонавий муаммоларига ечиб топиб бера оладиган, мажбурий “қолипларга” солинмаган, ёш авлодни фикрлашга ва янгича хулосалар чиқаришга ундаидиган ёндашувни шакллантириш имкони пайдо бўлади. Акс ҳолда ўзбек этнологияси яна узоқ йиллар давомида фақатгина ўтмиш ҳаётининг тавсифи, ўз тарихини қадимијлаштириш, совет даври меросидан воз кечишга чақиравчи, аммо амалда советча “этнос назарияси”дан воз кечмаган фан сифатида сақланиб қолишга мажбур бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ashirov A. Etnologiya. O‘quv qo‘llanma. Ikkinchı nashr. – Toshkent: YANGI NASHR, 2014.
2. Shils E. Primordial, Personal, Sacred and Civil Ties: Some Particular Observations on the Relationships of Sociological Research and Theory // The British Journal of Sociology. – London: 1957. Vol. 8. №2. – Pp. 130–145.
3. The Oxford English Dictionary, second ed., 1989. Earlier Version First Published in New English Dictionary, 1891 ed., Online Version March 2012.
4. Mathias, Bös. Ethnicity and Ethnic Groups: Historical Aspects. International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences. – 2015. – Pp. 136-141.
5. Бромлей Ю. В. К вопросу о сущности этноса // «Природа». 1970. №2. – С. 51–55; Ўша муаллиф. Этнос и этнография. – М.: Наука, 1973. – 285 с.; Ўша муаллиф. Очерки теории этноса. – М.: Наука, 1983. – 412 с.; Ўша муаллиф. Очерки теории этноса / Послесл. Н. Я. Бромлей. – 2-е, доп.. – М.: Издательство ЛКИ, 2008. – 440 с.
6. Аскаров А. А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: O‘zbekiston, 2015.
7. Тишков В. А. От этноса к этничности и после // Этнографическое обозрение, 2016. – № 5. – С. 5–22.
8. Doniyorov, A. K. Scientific-Historical Knowledge is the Basis of Ethnographic Methodology. Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation, Nov 26, 2021, 30498-30506.
9. Abirov, V. E. Analysis of Research on the History of the Origin of the Uzbek People in the “New Uzbekistan” Stage // International Journal of multidisciplinary research and analysis. Volume 05, Issue 04. – California: 2022. – Pp. 799–802.
10. Doniyorov, A. K. Problems of Ethnogenesis and Ethnic History of Uzbek People at the Current Stage. PalArch’s Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology, 2020. 17(6), – Pp. 8968–8974.